Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил, 3 июнь, Чоршанба.
№ 42 (144135)

"ЭВЕРЕСТ"ЧИЛАР ҚАЙТИШДИ

"Эверест" альпинистлар экспедицияси аъзолари Тошкент аэропортида шоду-хуррамлик билан кутиб олинди.

"Дунё томи" деб ном олган Эверестни забт этган ва чўққига мустақил Ўзбекистон Республикаси байроғини тиккан мардларнинг жасорати ёшларимиз учун ўрнакдир.

ЎЗБЕКИСТОН -- ВАТАНИМ МАНИМ

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин маънавий-маърифий ишларга алоҳида эътибор берила бошлади. Озод диёримиз байрами сифатида анъанага айланиб қолган «Ўзбекистон-Ватаним маним» Республика қўшиқ байрами халқимиз маданий ҳаётига чуқур сингиб бормоқда. Мамлакатимиз Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси Қарори асосида ўтказилаётган мазкур тадбир бошқа соҳа вакиллари сингари Ички ишлар вазирлиги ходимлари орасида ҳам кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Ички ишлар идоралари ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва осойишталигини ҳимоя қилиш билан бирга ўзларининг иккинчи истеъдодларини намойиш этиб, янги-янги мусиқий асарлар яратмоқдалар.

Кўрик-танловнинг Ҳамза номидаги ўзбек давлат Академик драма театрида ўтказилган якунловчи босқичида қирққа яқин асар намойиш этилди. Улар орасида «Ватан қасидаси», «Бахт юлдузим», «Имкони бор бу юртнинг», «Куйла, эй озод диёр» каби ватанпарварлик туйғуси мадҳ этилган ўнлаб янги қўшиқлар яратилди. Сайёрахон Мажидова, Тўлқин Тешабоев, Баҳодир Хусанов, Зулфия Эшонова сингари янги номлар кашф этилди. Қўшиқ матни ва мусиқасини яратишда таниқли ижодкорлар қатори Ички ишлар вазирлиги ходимларининг ҳам қатнашганлиги тармоқда санъатга, маданият ва маънавиятга қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолат берди.

Танлов якунига кўра ички қўшинлар бошқармаси «Турон юлдузлари» дастасининг яккахон хонандаси, прапорщик Тожибарг Азизова «Ўзбекистон» қўшиғи учун биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи, учинчи ўринлар Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси ходимаси Райима Сатторова ва Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги инспектори Қувват Шариповга насиб этди. Биринчи ўрин соҳибаси энди Ўзбекистон қўшиқ байрами кўрик-танловининг республика босқичида маҳоратини намойиш этади.

Б.МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Домла М.Юсубоевнинг ҳар бир сўзини тинглашга доим шай турамиз,- дейишади Автомобиль йўллари институтининг талабалари Б.Пўлатов ва Ф.Норматов

"Камолот" жамғармасида

УСТОЗ ТОПГАН ШОГИРДЛАР

"Камолот" жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими, турли давлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда вилоятдаги ҳунармандлар ва амалий санъат эгаларининг II вилоят кўргазмасини ўтказди. Бундан кўзланган мақсад вилоятда миллий халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатини кенг тарғиб қилиш, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш, уларни халқ усталарининг кўникмаларига ўргатиш учун шарт-шароитларни вужудга келтиришда амалий ёрдам кўрсатиш эди.

Кўргазмада вилоятимиз туманларидан келган 150 дан ортиқ халқ усталари, ўрта мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари, уларнинг ота-оналари фаол қатнашдилар. Кўргазмага қўйилган халқ амалий санъати намуналарини беш мингдан зиёд ёш ўсмир қизиқиб томоша қилишди.

Хўш, ушбу тадбирдан кўзланган мақсад эришилдими? Ҳа, эндиликда 400 га яқин юқори синф ўқувчилари, кўплаб ишсиз ёшлар халқ ҳунармандчилигини ўрганишга киришишади. Улар шартнома асосида халқ усталарига шогирд тушишди. Умид қиламизки, кун келиб улар ҳам ўз шогирдларига эга бўлишади.

Бахтиёр БАГИРОВ,
"Камолот" жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими раиси ўринбосари

"МЕҲР ҚОЛУР..."

Меҳр кўзда деб бежиз айтилмаган. Кўзлар кўнгил ойнаси сифатида юракларда жўшган қайноқ меҳрни яққол намойиш эта олади. Ҳадиси муборакда айтилишича, мўминлар ҳамиша бир-бирлари билан кўришиб, совға-салом бериб турмоқлиги лозим экан.

Шу боис ҳам республикамизда фаолият кўрсатаётган турли жамғармалар, муассаса ва ташкилотлар Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида кўплаб кўнгилларга меҳр улашишди.

Шу куни "Колгит" фирмаси вакиллари ҳам ўзларининг хайру саховат эгаси эканлигини намоён этишди. Тошкент шаҳридаги 100-махсус интернатга ташриф буюрган фирма вакиллари болажонларни табриклаб, совғалар беришди. Болалар эса ўз навбатида байрам дастури билан меҳмонларни хурсанд қилишди.

Байрам тадбирларида Республика "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси раиси Г.Йўлдошева ҳамда жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими раиси Р.Раҳмонова иштирок этишди.

Т.ҚУРБОНОВ

"ТУРКИСТОН" ИШОНЧ ҚЎНҒИРОҚЛАРИ.

тел : 133-95-97 , 133-79-69

"ОИЛА КОДЕКСИ"ДА ЁЗИЛИШИЧА:

-- Синглим эндигина мактабни битирянти. Аммо ота-онам уни турмушга узатишмоқчи. Неча ёшдан турмушга чиқиш мумкин?

Л.КОМИЛОВ,
"Ташсельмаш"ишчиси

--Ўзбекистон Республикаси "Оила Кодекси"нинг 15-моддасига кўра, никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган. Бироқ, узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Ҳар қалай эрта турмушга чиқмаган маъқул.

***

--Собиқ турмуш ўртоғим беш ойдирки фарзандига алимент тўламаянти.

Н.РАҲИМОВА ,Шахрисабз

--Хавотир олманг. Алимент тўлаш келишувга мувофиқ алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс ушбу келишувда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент суммасининг ўндан бир фоизи миқдорида алимент олувчига неустойка тўлайди. "Оила Кодекси"нинг 142-моддасига кўра, алимент олувчи алимент ўз вақтида тўланмаганлигига айбдор алимент тўлаши шарт бўлган шахсдан алимент тўлаш мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлик оқибатида етказилган барча зарарларнинг неустойка билан қопланмаган қисмини ҳам ундиришга ҳақлидир.

***

--Эр ва хотин ажрашмоқчи бўлишганда, уларнинг умумий мол-мулки қандай бўлиб берилади?

Т.ҚОСИМОВ, Наманган вилояти, Учқўрғон тумани

--Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда, шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Суд вояга етмаган болалар манфаатларидан ва (ёки) эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра, даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда эр ва хотиннинг умумий қарзлари уларга белгиланган улушларга мутаносиб равишда ҳар иккаласи ўртасида тақсимланади.

БУ ЎЙИННИНГ ҒОЛИБЛАРИ ЙЎҚ

"Туркистон" шарҳи

Дарҳақиқат, май ойида Ҳиндистон ва Покистон ўртасида бошланган ядро синовлари баҳси қайсидир маънода ўзаро "спорт мусобақаси"га айлантириб юборилганлиги дунё аҳлини доғда қолдирди.

Аввалига, Ҳиндистон 11 ва 13 май кунлари Ражастхон штати ҳудудида кичик ва ўрта қувватга эга бешта ядро мосламасини ер остида портлатиб кўрди.

Ҳиндистонда ўтказилган ана шу ядро синовлари жаҳон ҳамжамияти томонидан қоралананига қарамасдан, 28 май куни Покистон мазкур мамлакат билан "ҳисоб"ни тенглаштирди. Яъни, жаҳон оммавий ахборот воситалари мамлакат бош вазири Навоз Шарифнинг баёноти асосида тарқатган хабарларда айтилишича, Белужистон вилоятининг Чагай минтақасида Покистон томонидан ҳам бешта ядро портлатишлари амалга оширилган.

Ҳиндистонда ва Покистонда кетма-кет юз берган бу воқеалар жаҳон жамоатчилиги томонидан катта ташвиш ва хавотир билан кутиб олинди. Дунёнинг илғор давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар ҳақли равишда ушбу мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик муносабатларини тўхтатиб, уларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллаш йўлига ўтдилар.

Хусусан, Европа Иттифоқи Ҳиндистон ядро синовларини амалга оширгач, бу мамлакатга қарз бермаслик ва у билан давом этаётган савдо-иқтисодий алоқаларни чеклаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Эндиликда эса мазкур ташкилотнинг раиси ҳисобланган Буюк Британия давлати ўзаро шерик давлатлар билан изчил музокаралар ўтказиб, худди шундай иқтисодий таъқиқларни Покистонга нисбатан қўллаш масаласини муҳокама қилаётир.

НАТО Бош котиби Хавъер Солана ҳам Деҳли ва Исломободни ядро ва ракета қуролларини синаш билан боғлиқ ишларга дарҳол барҳам бериб, минтақада юзага келган тангликни юмшатиш учун мулоқотларга киришишга чорлади.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши бир неча маротаба баёнотлар билан чиқиб, Ҳиндистон ва Покистонни Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома ҳамда Ядро қуролини бутунлай таъқиқлаш тўғрисидаги шартномага қўшилишга чақиргани диққатга молиқдир.

БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланган Ўзбекистон биринчилар қаторида жаҳон ҳамжамиятининг ана шу мурожаатларини қўллаб-қувватлади. Дунёнинг аҳоли энг зич жойлашган минтақаларидан бири -- Марказий Осиёга яқин ҳудудлардаги ядро портлатишлари мамлакатимиз томонидан минтақавий хавфсизликка жиддий таҳдид, бутун жаҳон ҳамжамиятини маъсулиятсизларча менсимаслик, деб холис ва адолатли баҳоланди.

Республикамиз ташқи ишлар вазирлигининг Ҳиндистонда, сўнг Покистонда ядро синовлари ўтказилганлиги муносабати билан берган баёнотларида ушбу мамлакатлар ядро қуролини тарқатмаслик ва ядровий қуролсизланишнинг умумий режимига тезроқ қўшилишлари учун Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ва Покистон Ислом Республикаси ҳукумати барча зарур чораларни кўришга даъват этилди.

Маълумки, мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки дамлариданоқ ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК ва ТАРАҚҚИЁТ, деган теран тушунчаларни ўз сиёсий фаолиятининг бош мезони сифатида белгилаб олди. Шу маънода, "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида: "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этиш, Европа, Осиё ва жаҳон хавфсизлик тузилмаларига интеграциялашув Ўзбекистон Республикаси тегишли тузилмаларининг ташқи сиёсий фаолиятидаги энг муҳим вазифа" қилиб белгиланганлиги бежиз эмас.

Ана шу устувор сиёсий тамойилларга содиқ қолароқ, мамлакатимиз, мана, етти йилдирки, дунёда оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши эканлигини сабот билан намойиш қилмоқда. Айтайлик, бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудудни барпо этиш ташаббускори ҳамда ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги ва ядро синовларини бутунлай таъқиқлаш ҳақидаги шартномаларнинг иштирокчиси эканлиги ҳам ушбу фикримизга далил бўла олади.

Ҳиндистон ўтказган ядро синовлари ва унга Покистоннинг жавоб тариқасида амалга оширган ядро портлатишлари, қолаверса, бир вақтлар Жанубий Осиёда ядросиз зонани барпо этишга даъват қилган Покистон ҳозир ўзининг ташқи сиёсий мавқеини тубдан ўзгартиргани ҳам мамлакатимизни қаттиқ ташвишга солиши табиий. Негаки, воқеаларнинг бундай давом этиши минтақада ядровий қуролланиш пойгасининг янги даврасига олиб келиши мумкин.

Республикамиз ташқи ишлар вазирлигининг Покистонда ядро портлатишлари амалга оширилгани муносабати билан шу йилнинг 29 май куни берган Баёнотида айтилганидек: "Ўзбекистон Жанубий Осиёда ядро синовларини ўтказиш халқаро ҳамжамиятининг барқарор ва хавфсиз дунёни қуриш йўлидаги куч-ғайратларига путур етказади, ядро қуролини ишлаб чиқариш ва тарқатишни изчиллик билан таъқиқлашгина XXI аср бўсағасида умумий хавфсизликнинг ишончли негизи бўлиши мумкин ва лозим, деган қатъий фикрга асосланади".

Шу боис республикамиз ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгашига махсус мажлис чақириш ҳамда Жанубий Осиёда юзага келган вазиятга баҳо беришни сўраб мурожаат қилди. Бу -- мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг барқарор ва хавфсиз дунёни барпо этиш йўлидаги саъй ҳаракатларини мунтазам қўллаб-қувватлаб келаётганлигининг яна бир далолати. Бу -- Ўзбекистон ялпи хавфсизлик тарафдори эканининг ўзига хос ифодасидир.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган сўнгги маълумотларга қараганда, Покистон ташқи ишлар вазири Айюб Хон ўз мамлакати ядровий қуролланиш борасида Ҳиндистондан бир мунча олдинроқда эканини айтган. Айни пайтда Покистон шанба куни яна бир ядро синовини ўтказгани ва натижада бу мамлакат портлатган ядро мосламаларининг умумий сони олтитага етганлиги жаҳон жамоатчилиги томонидан кескин танқид қилинмоқда. Покистон ташқи ишлар вазири эса Ҳиндистонни сабаб қилиб кўрсатар экан, бундай танқидларни рад этган.

Шундай қилиб, Ҳиндистон ва Покистон ўртасида ядро синовлари мусобақасининг натижалари ҳозирча ноаниқ бўлиб турибди. Аммо, шу аниқки, бу мусобақада на Ҳиндистон ва на Покистон ютиб чиқади. Ушбу "ўйин"нинг ғолиблари йўқ, унда ҳар икки томон ҳам,баб-баравар, мағлуб...

Ғулом МИРЗО,
халқаро шарҳловчи

ЎЗ ЮРТИМИЗДА

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1 июнь куни АҚШнинг Экспорт-Импорт банки президенти ҳамда бошқаруви раиси Жеймс Ҳармонни қабул қилди.

Америкалик меҳмонлар Вазирлар Маҳкамасида бўлиб, бош вазир Ўткир Султонов билан ҳам учрашди.

* * *

Вазирлар Маҳкамаси "Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарор қабул қилди.

* * *

"Камолот" жамғармаси Хоразм вилояти Питнак шаҳар бўлими ташаббуси билан шахмат биринчилиги ўтказилди. Унда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган спорт ишқибозлари иштирок этди.

* * *

"Камолот" жамғармаси Тошлоқ тумани бўлими "Меҳнат ярмаркаси" ўтказди. Натижада 44 нафар йигит ва қиз иш билан таъминланди, ўнлаб ёшларга тавсиялар берилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

АСТАНА. Қозоғистон парламентида "Никоҳ ва оила" қонуни лойиҳасидаги кўп хотинлилик тўғрисидаги модданинг муҳокамаси қизғин баҳсларга сабаб бўлди.

Депутатлар эркакларга бериладиган ҳуқуқлардан аёллар ҳам баҳраманд бўлиши зарур, деган фикрни билдиришди. Муҳокамалардан сўнг хотинлар кўп эрга эга бўлиши мумкинлиги лойиҳада битилди. Ҳозирча Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

БИШКЕК. Мамлакат ҳудудида ваҳҳобийчиликни тарғиб этишда гумон қилинаётган хорижлик тўрт нафар фуқаро ушланди. Қўлга олиш вақтида улардан тўппонча, кўп миқдорда валюта, жиҳодга тарғиб қилувчи юзлаб видео ва аудио кассеталар, диний адабиётлар чиқди. Хорижлик бу фуқаролар қирғиз йигитларини ўзига ағдариб олиб, чет элга махсус мактабларга ўқишга юбориб, улардан террорчилар тайёрлашни мақсад қилиб қўйган экан.

ДУНЁ: СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Покистон ташқи ишлар вазири Гавҳар Аюбхон Американинг Эй-Би-Си телекомпанияси дастурида чиқиб, Покистон ҳаракат қамрови 1,5 минг километрга етадиган "Ғхоури" ракеталарига эга, деди. Мазкур ракеталарда жанговар ядро каллакларини элтиш имконияти мавжуд. Унинг айтишича, Покистон мазкур ракеталарни аллақачон синовдан ўтказган.

* * *

Халқаро ташкилотларнинг хабар қилишича, Шимолий Афғонистонда юз берган зилзила оқибатида уч мингдан зиёд киши ҳалок бўлган ва бир неча минг киши жароҳатланган. Зилзила маркази Қобулдан уч юз метрча нарида Тохар вилоятида бўлиб, унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича етти баллга етган.

* * *

АҚШнинг шимолий-ғарбий ҳудудларида юзага келган кучли қуюн кўплаб уйларнинг томини учириб, дарахтларнинг ҳам таг-томири билан қўпориб, автомобилларни ағдариб ташлади. Кечга яқин бу "Торнадо" қуюни жанубий Докота штатининг Спенсер шаҳрига етиб келди ва бир неча дақиқада уни ер билан яксон қилди. Гувоҳларнинг айтишича, фалокат юз берган жойда битта ҳам бутун ишоот қолмаган. Сўнгги маълумотларга кўра 11 киши ҳалок бўлган, юзларча одам бошпанасиз қолган.

* * *

Колумбияда Президентлик сайловларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Бу гал номзодлар рўйхатида ҳозирги президент Эрнесто Санперо маъмуриятидаги ички ишлар вазири Хорасио Серпа бошчилик қилмоқда. Ў 34,6 фоиз овозга эга бўлди. Сайловларнинг учинчи босқичи эса кейинги ойда ўтказилиши режалаштирилмоқда.

* * *

"Мир" орбитал станциясининг экипаж аъзолари ишдан чиққан компьютерни яқинда станция бортига олиб келинган янги компьютерга алмаштирдилар. Бу компьютер маълумот базаси билан бойитилганидан сўнг станциянинг қуёшга нисбатан йўналиши тикланади. 4 июндан орбитал мажмуа Американинг "Дисковери" космик кемаси билан сўнгги марта қўшилиши режалаштирилган. Маълумки ушбу қўшма космик парвоз дастури 1995 йилнинг июнь ойидан бери амалга оширилиб келинган.

* * *

Т О К И О. Япония ҳукумати Қирғизистонга 50 минг АҚШ доллари миқдорида инсонпарварлик ёрдами беришга қарор қилди. Ўтган ойда республиканинг жанубий вилоятида кучли сув тошқини юз берган эди. Япония ҳукуматининг инсонпарварлик ёрдами тошқин асоратларини бартараф этишга сарфланади.

Япония ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, ушбу маблағ Қирғизистон ҳукумати илтимосига биноан берилмоқда.

* * *

Ж Е Н Е В А. Бу ерда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 86-бош конференцияси очилди. Унда меҳнаткашларнинг асосий ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисидаги декларация ҳамда болаларни оғир ишларга жалб қилишни тақиқлаш бўйича конвенция муҳокама қилинмоқда. Маълумотларга қараганда, ҳозир дунёда 250 миллион нафар бола оғир меҳнат билан шуғулланар экан.

***

К О Б У Л. Афғонистон шимолидаги Тоҳар ва Бадахшон вилоятларида кучли зилзила юз берганига қарамай, Толибон билан «Шимолий иттифоқ» қўшинлари ўртасидаги жанглар давом этмоқда. Куни-кеча «Шимолий иттифоқ» йўлбошчиларидан бири Абдурашид Дўстум қўшинлари зилзила бўлган Бадғис вилояти атрофида толибларга қарши ҳужум уюштириб, стратегик жиҳатдан муҳим бўлган бир неча ҳудудни қўлга киритди.

Толибон қўшинлари Қундуз вилоятида ҳам чекинишга мажбур бўлди. Аҳмадшоҳ Масъуд қўшинлари ҳужумни кучайтириб мазкур вилоят марказига яқинлашиб қолди. Жанглар давомида толибларнинг 50 нафар жангчиси ҳалок бўлди, 150 нафари асирга тушди.

***

Д Е Ҳ Л И. Ҳиндистонда бензин, тамаки ва айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизмат кўрсатиш нархлари ошиб кетди.

Бензиннинг баҳоси ўртача 30 фоиз, чой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари эса 5 фоиз қимматлашган. Айниқса, почта ва пойтахт аҳолисини сув билан таъминлаш хизмати 40 фоизга ошган. Бунинг сабаби Ҳиндистонга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чоралари билан изоҳланади.

"Туркистон", ЎзА ва хориж материалларидан

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ЁШЛАР

Демократия дарслари

Республикамиз ҳаётида мустақилликка эришилгандан сўнг якка партия ҳокимлигидан кўп партиявийликка, коммунистик мафкурадан миллий истиқлол мафкурасига ўтиш -- фуқароларнинг сиёсий онгини ошириш ҳамда уларни жамият қурилишида фаол иштирок этишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Маълумки, сиёсий партиялар мамлакатнинг ривожланганлигини кўрсатувчи омиллардан саналади. Чунки партиясиз жамиятда фикрлар эркинлигига ўрин қолмайди. Шунингдек партиялар ижобий рақобатни юзага келтиришга, жамиятда фикрлар эркинлиги, уларнинг хилма-хиллигини вужудга келишига ўз улушини қўшади. Кўп партиявийлик шароитида мамлакатда фаолият кўрсатаётган ҳар бир партия ўз олдига келажакда юксалишни мақсад қилиб қўйса, муайян табақаларга таяниб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда жамиятни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишларига замин ярата олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида "Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади", дейилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия -- Халқ демократик, "Адолат" социал-демократик, "Миллий тикланиш" демократик, "Ватан тараққиёти" партиялари фаолият кўрсатмоқда.

Жумладан халқ демократик партияси дастурини олиб қарасак, унда бу партия Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ва бошқа энг муҳим халқаро, давлатлараро ҳужжатларни тан олувчи, унинг мустақил демократик давлат сифатида шаклланиши ва тараққий этишига ҳар тарафлама кўмаклашишига амин бўламиз.

"Миллий тикланиш" демократик партияси эса мустақиллик асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ижодий тараққий эттиришни ўзининг асосий вазифаси, деб билади. Шунингдек партия миллий қадриятлар билан бирга фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш асосида ўз сиёсатини юритади ва мамлакатда яшовчи халқлар, элатларнинг конституциявий ҳуқуқларини ва фуқаролик эркинликларини ҳурмат қилади.

"Ватан тараққиёти" ва "Адолат" социал демократик партиялари ҳам ўзларининг аниқ дастурига эга. Улар олдида ҳам Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа барча соҳаларда юксалишига қаратилган йўл-йўриқлар ва вазифалар аниқ белгиланади. Хўш, бу партиялар ҳақида ёшлар қандай тушунчаларга эга? Улар бундай партияларнинг мақсад ва вазифаларини билишадими?

Сир эмаски, кўпгина ёшлар бу партияларнинг мақсад ҳамда вазифаларини ва уларнинг ўзаро фарқларини тушунишмайди. Менимча ҳар бир партия кўпроқ йигитқизлар даврасида бўлиб, турли хил тадбирлар ўтказиб бориши керак. Ундан ташқари мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқитиладиган ижтимоий фанлар орқали ҳам мамлакатдаги сиёсий партиялар, жамғармалар ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳақида ёшларга тегишли маълумотлар бериб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу ўринда Андижон вилояти Бўз туманида ташкил этилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг иш тажрибасини келтириш мумкин. Ҳозирги вақтда аксарият ёшлар шу партиянинг аъзоларидир. Қолаверса, Сирдарё, Қашқадарё вилоят партия ташкилотлари ва Тошкент шаҳридаги Сирғали туманида ҳам ана шундай ишлар олиб борилмоқда. Лекин бу ҳали талаб даражасида эмас. Партиялар фаолиятида бир жиҳатни пайқаш мумкинки, ҳануз унинг баъзи аъзолари " Юқоридан қандай топшириқ бўлар экан?" деган фикр исканжасида яшамоқдалар. Ваҳоланки, айни дамда ҳар қачонгидан ҳам халқ орасида бўлиб, жамиятимизда рўй бераётган ислоҳотлар ҳақида, айниқса "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий Дастурнинг мазмун ва моҳиятини ёшларга етказишда ҳам партияларнинг ўзига хос ҳиссаси бўлиши зарур.



Тошпўлат ТОШЛОНОВ,
профессор

Кўзгудаги ўзимиз

МУРОДГА

Одатда, табаррук қадамжоларга бориб келган одамларга:
-- Зиёратингиз қабул бўлсин,- дея тилак билдирсалар, ундан:
-- Муродингиз ҳосил бўлсин,- деган жавоб қайтади.
Эртакларимиз "Мурод-мақсадига етибди", деб сўнгланади.
Зеро, мақсад сўзи атрофида шунча гап-сўзлар айланар экан, у шунчаки бир тушунчанинг ифодаси эмас. Демак, у қандайдир бир даражада ижтимоий ҳодиса. Бизнингча, мақсад - бу инсоннинг бутун имкониятларини юзага чиқарувчи куч.
Яна мақсад ўша имкониятларни маълум йўналишга йўлловчидир, маълум бир оралиқларда тутиб турувчи қирғоқдир.

Агар Соҳибқирон Амир Темур йигитлик чоғларидаёқ дилларига Турон заминни мўғул босқинчиларидан озод қилиб, кудратли марказлашган давлат барпо этиш мақсадини тугмаганларида, эҳтимол, бу қадар ҳайратомуз куч-қудратга эга бўлмас эдилар.

Ул зоти муборакни довлаган, шайланган, тобланган, курашларга туширгган, мағлуб чоғларида елкасидан қоқиб берган, ғолиблигида қутлаган ўша буюк МАҚСАДДИР.

Ҳазрати Бобур Мирзо улуғ Темур салтанати таназзулга юз тута бошлаган даврида майдонга чиқди ва бобокалонининг мамлакати шавкатини қайта тиклашни мақсад қилди.

Ўн икки ёшидан қирқ еттисигача шу мақсад йўлида юрди, енгди, енгилди, сарҳадлардан ошди, ҳижронларда қоврилди. Ўз тупроғида нияти амалга ошмаса ҳам унинг салтанати Ҳиндистонда олти юз йилдан зиёд яшаган, бу ўлканинг довруғланишига асос бўлган.

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА ОЛТИ БОР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ АРТУР ГРИГОРЯННИНГ ОНАСИ КЛАРИК ГЕРАСИМОВНА ДЕЙДИ:

-- Мен машҳур боксчи бўламан, деганида Артур ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаган эди. У болалик пайтлариданоқ бирон вақтининг дақиқасини бекор ўтказмасди. "Туф" десанг туфук музлайдиган совуқларда ҳам эрталаб чопишни канда қилмасди. "Мен батамом соғлом бўлишим шарт" дерди, чанғида учарди, кураш тушарди. Уйқуни, овқатланишни ўзи қатъий интизом асосида бошқарарди.

Англаганимиздай, истак, хоҳиш бу ҳали мақсад эмас экан. Истак мақсадга айланиши учун ҳам ирода, матонат керак бўлар экан. Қисқаси, инсон ҳаёти, мақсади аниқ бўлган нуқтадан бошланар экан.

ШУ МАВЗУДА СУҲБАТ

Суҳбатдошим -- Зоҳир Тошхўжаев. Тошкент Давлат университети журналистика факультети талабаси.

-- Зоҳир, Яшашдан мақсадингиз нима? Ҳеч шу нарса ҳақида ўйлаб кўрганмисиз ўзи?

-- Ҳа, жумҳурият лицейида ўқиётганимда Илҳом Ерли деган турк тили муаллимимиз бизга мақсад ҳақида тушунтириш берган эди. "Мактабда ўқиётган беш-олти соат ичида нима қиламан? Нимага эришаман? Дарсдан сўнг-чи? Бир кунлик мақсад. Бир ҳафталик, бир ойлик, бир йиллик мақсад. Ҳамма-ҳаммаси аниқ бўлиши керак. Вақт одамга ўлчаб берилади. Бирор сониясини ҳам бемақсад яшамаслик керак", дер эдилар.

-- Сиз университетда ўқиш билан Миср Маданият марказига бориб тил ўрганар, Ўзбекистон Ахборот агентлигида ҳам ишлар экансиз. Кўпчилик танқидларингиз бу ёшни ўйин-кулгулар билан ўтказади. Баъзан кўнглингиздан "Шу ўн тўққиз ёшим қайтиб келармиди, наҳот, ўқиш, ўрганиш, иш билан умримни ўтказиб юбораверсам?", деган алам ўтадими?

-- Мен ҳам ўртоқларим билан дам оламан, ҳар ёққа бораман. Аммо шундай ёшни аллақандай бачканаликларга сарфлаш менга маъқул эмас. Айниқса, Ватанимиз эндигина мустақил бўлганда.

-- Зоҳир, Сиздай фикрлайдиганлар қанча?

-- Кўп.

-- Айтинг-чи, келажакда фақат яхши яшаш, ҳаётда ўз ўрнингизни топиб, обрў-эътиборли бўлиш учунгина шунча елиб-югурасизларми? Ё Ватан шаъни, миллат обрўси ҳақида ҳам ўйлайсизларми?

-- Биз Ўзбекистонимизнинг дунёда машҳур бўлишини, миллатимиз тўқ, обод яшашини ич-ичимиздан хоҳлаймиз.

БУНДАЙ БЎЛМАСЛИГИ МУМКИН...

Ҳеч бир ота-она дилбандига ёмонлик соғинмайди. Баъзан билиб-билмай хато қилиб қўяди, холос. Масалан, Роҳатойнинг оиласи...

Отаси даштда мол боқади, икки акаси унинг ёнида. Келинойилари қатиқ ивитишади, сариёғ қилишади, сут сотишади. Онаси укалари билан деҳқончилик қилади. Қишда сабзи, карамдан корейсча аччиқ-чучук тайёрлашади. Роҳатой эса буларни уззу-кун бозорда сотади. Бу ишларнинг бари меҳнат. Меҳнатнинг эса айби йўқ. Роҳатой пулни санаб онасига тийин-тийинигача топширади. Унинг ҳам бозорга тушган қизлардай кийингиси келади. Охирги урфдаги кофта, шим, баланд пошнали туфли, мўъжаз сумкача, қора кўзойнак.

Келинойисига айтса, кулади: "Жа, ярашиб тушса керак, қўлингда чўмич, карам бочканинг олдида турсанг..." Ойисига айтса: "Бачкана бўлма!" деб жеркади.

Акалари, дадаларига айтолмайди. Кечқурун катталарнинг суҳбатига қулоқ тутса: "Икки қаватли иморат қурамиз. Набитойга тўй қиламиз, Ортиқ Отажоновни олдирамиз, Тошкентдан" дейишади. Роҳатойнинг хўрлиги келади. Тушига қора кўзойнак, мўъжаз сумкача киради.

ИЗТИРОБДАН

Яна ва яна ойисига айтади: "Ўзимни ўлдираман шу кийимларга етмасам", дейди. Ойиси аччиқланади, силтайди. Роҳатой тунда икки қарич арқон билан ўзини...

У энди ўн олтига кираётган эди.

Агар дилида шаҳарлик қизлардек кийинишидан улканроқ орзуси бўлганда ва орзуси мақсадга айланганида эди Роҳатой ўзини завол этмасди. Арзимаган матоҳ деб, арзимаган танбеҳ деб.

БОЗОРДАГИ МУЛОҚОТЛАР

-- Неча ёшдасиз?

-- Ўн тўққиз.

-- Исмингизни айтасизми? (Йигитча исмини айтди-ю, ошкор қилмаслигимни сўради).

-- Аравакашлик қилиб, кунига неча сўм ишлайсиз?

-- Ҳар куни ҳар хил.

-- Бошқа ҳунарингиз ҳам борми?

-- Йўқ.

-- Бир умр аравакашлик қилиб ўтасизми? Кучқувватингиз борида бирор касбнинг бошини тутсангиз бўлмайдими?

-- Вақт йўқ, опа. Чарчаймиз, кечқурун бир оз дам оламиз.

-- Қанақа дам оласиз?

-- Ичишамиз, карта бор...

-- Кунларим бемақсад, бесамар ўтиб кетаяпти, деб ўйламайсизми? Яшашдан муродингиз нима?

-- Кун ўтса, бўлди-да. Қийналиб бошимни оғритиб касб қилсам ҳам, тинчгина аравакашлик қилсак ҳам борар еримиз бир. Аравакашлик ҳам иш-да, ўғрилик қилганимиз йўғ-у...

ЯНА БИР МУЛОҚОТ

-- Исмимни айтманг. Севган қизим бор, ўқиса ноқулай.

ЕТАР

-- Бозорга чиқиб, арава тортишдан мақсад фақат пул топишми?

-- Тирикчилик. Кечкида ўқийман. Ота-онам қишлоқда яшашади, укаларим бор, ўзимни ўзим эплай дейман-да.

-- Чарчаб қолиб ўқишга улгурмасангиз нима қиласиз?

-- Чарчасак ҳам чидаймиз. Йигитга қирқ ҳунар оз. Қолаверса, меҳнатнинг айби йўқ.

СЎНГГИ СЎЗ

Мен билан сатрма-сатр бирга келаётган ёш дўстим, зерикмадингизми? Мен эса ҳамон Сизга асосий гапимни айтмагандекман, тафсилотларга ўралашгандекман.

Ахир, Сиз бир оқ қоғоз саҳифаларида учрашувимдан ўзимнинг ҳам бир муродим бордир. Сизга воқеа айтиб беришгина эмасдир.

Менинг асосий сўзим -- Озодлик, Озод сўз, озод тафаккур, озод ШАХС.

Мақсадим ҳам шу сўзларга туташ. Илло, ҳаммамизнинг мақсадимиз юрак йўллари билан шунча туташмагунча, шоир айтмоқчи, "кўнгил ярим, умр ярим"дир. Сиз бутунлагувчисиз, Сизга ишонаман!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

АЪЛОЧИ ТАЛАБАЛАРГА -- ЯПОНИЯ ЖАМҒАРМАСИ СТИПЕНДИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида республика олий ўқув юртларининг 40 нафар аълочи талабасига Японияннинг «Камая гранд» жамғармаси стипендияларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди.

-Мен япон тилини ўрганишда аъло натижаларга эришган ўзбек талабаларига мамлакатимизда машҳур бўлган «Камая гранд» жамғармасининг стипендияларини топширишдан бахтиёрман, - деди Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коуичи Обата. - Бу жамғарманинг асосий мақсади иқтидорли ёшларнинг ўз ижодий қобилиятларини тўла рўёбга чиқаришга интилишларида уларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Ўзбек талабалари бу стипендияга муносиб даъвогар эди. Чунки улар халқларимиз маданиятини ўзаро бойитишга, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилганлар.

-Мамлакатимизда Президент ва ҳукумат иқтидорли ёшларга алоҳида ғамхўрлик қилмоқда, - деди Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Убайдулла Усмонов. - Уларнинг ижодий салоҳияти тўла рўёбга чиқиши учун олий ўқув юртларида, турли марказлар ва жамғармаларда барча шарт-шароит яратилган.

Ҳар йили танлов асосида юзлаб энг яхши талабаларни жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи олий ўқув юртларига ўқишга юборадиган «Умид» жамғармаси бу жиддий ишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу талабалар орасида япон тили мухлислари ҳам бор. «Камая гранд» Япония жамғармасининг стипендиялари мамлакатимизда етакчи ёшларимизнинг кун чиқиш мамлакати халқининг ажойиб тилини ўрганишлари учун яна бир омил бўлади.

ЎзА

МАКТАБНИНГ ЎЗИ ПУЛ ТОПМОҚДА

Битириш имтиҳонлари тугамай туриб, Норин туманидаги бир қанча мактабда биноларни таъмирлаш ишлари охирига етай деб қолди. Июн ойининг бошларида тумандаги 53 та мактабнинг ҳаммаси таъмирлаб бўлинади.

Таъмирлаш ишларини қисқа муддатда бажаришда педагогларга туман ҳокимининг махсус қарори ёрдам берди. Бу қарорга мувофиқ, ҳар бир мактабга бирор хўжалик, корхона ёки ташкилот бириктирилиб қўйилган.

Бундай ёрдам жуда зарур бўлса ҳам, муваффақиятнинг сири бошқа. Икки йилдан буён мактаб таъмирлаш учун зарур пулнинг бир қисмини ўз ер участкасида ишлаб топмоқда. Масалан, тумандаги 34-мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари эртаги карам етиштириб, уни анча пулга сотдилар. Энди карам ўрнида бошқа экин етиштирмоқчи бўлишяпти.

Вилоятдаги бошқа мактабларда ҳам таъмирлаш учун зарур пулни шу йўл билан ишлаб топилмоқда. Ҳар уч мактабдан бирининг ўз ер участкаси бор. Вилоятдаги 658 мактабдан 150 таси бундай участкаларда етиштирилган маҳсулотни сотиш ҳисобига банкда мустақил ҳисоб дафтари очишга муваффақ бўлди.

Бу йил Учқўрғон туманидаги қишлоқ мактабларининг ўқитувчиларига, юқори синфларнинг ўқувчиларига шу ёзда банкдаги ҳисоб дафтарчасинигина эмас, ўз оилавий бюджетларини тўлдириш учун ҳам имконият яратилади. Бу ердаги мактабларнинг ер участкаларига қўшимча равишда ғалла экинларидан бўшаган майдонлар ажратиб берилади.

Шаҳар мактабларида таъмирлаш ишларини амалга ошириш анча қийинроқ бўляпти, лекин уларга ҳам ёрдам берилмоқда. Мактабларни шафеликка олган корхона, ташкилот, тижорат тузилмаларидан ташқари, таъмирлаш харажатларининг бир қисмини вилоят халқ таълими бошқармаси кўтармоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ мактабларга 25 тоннага яқин бўёқ, зарур миқдорда шифер ва ойна берилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Мирзараҳим Ғафуровнинг гапига қараганда, вилоятдаги мактабларда, болалар боғчаларида таъмирлаш ишлари июл ойининг бошларида тўла тугалланиши учун ҳамма иш қилинмоқда. Айни пайтда мактабларни қишга тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда, яъни иситиш тармоқлари сифатли таъмирланиб қолмай, кўмир билан иситиладиган қишлоқ мактаблари вақтида ёқилғи билан таъминланмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоблари бўйича, ўқув йили даврида халқ таълими тизими раҳбарлари хўжалик масалалари билан банд бўлмасликлари учун янги ўқув йили бошланишига қадар мактабларни кўмир билан таъминлаш тугалланиши лозим.

Н.ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири

ТИЛ -- ҲАМЖИҲАТЛИК КАЛИТИ

Тошкентда Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Таълим маркази тақдимоти бўлди. Бу марказ мамлакатимизда ўз фаолиятининг олтинчи йилини янги маъмурий бинода кутиб олди.

-Корея Республикасининг Тошкентдаги Таълим марказининг самарали фаолияти Ўзбекистонда юз бераётган демократик жараёнларнинг ёрқин далилидир, - деди янги бинони очиш маросимида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Че Енг Ха. - Марказ ўз фаолияти мобайнида Ўзбекистон ҳукумати ва Халқ таълими вазирлигининг мададига таяниб, Ўзбекистон аҳолисини корейс халқининг маданияти ва тили билан таништирибгина қолмай, Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам ёрдамлашди.

Ҳозир Марказ жойлашган янги сарой минглаб тошкентликлар учун иккинчи уй бўлиб қолади, деб умид қиламан. Чунки бу ерда тингловчилар ўз қобилиятларини рўёбга чиқариши учун тўла шарт-шароит яратилган.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг ўринбосари Хайриддин Маъсудов Марказ жамоаси ва унинг директори Тен Ман Себни самимий табриклади.

-Марказ иш бошлаган дастлабки йилда 30 тингловчига корейс тилини ўргатиши мумкин эди, ҳозир бу ерда 800 дан ортиқ киши шуғулланмоқда, - деди у. - Ватандошларимиз замонавий компьютер, кино ва аудио техника билан жиҳозланган марказда корейс тили, маданиятини ўрганибгина қолмай, спорт билан, корейс халқ рақслари билан шуғулланишлари мумкин. Марказ қўшма корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларига корейс тилини ўргатишга ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Ўзбекистонда таълимни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Тен Ман Себни «Халқ таълими фидойиси» белгиси билан тақдирлади.

Корея Республикасининг МДҲ мамлакатларидаги Таълим марказларининг директорлари Марказ жамоасига катта ижодий ютуқ тиладилар. Маросим байрам концерти билан якунланди.

ЎзА

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙ



Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши болаларнинг ёзги дам олишини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида ҳокимлик билан ҳамкорликда "Ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" қўшма қарор қабул қилди.

Ушбу қарорда ҳокимликнинг тегишли бўлим, бошқармаларига, вилоят тармоқ касаба уюшма қўмиталарига, барча шаҳар, туман ҳокимликларига, қарамоғида болалар оромгоҳлари бўлган корхона, хўжалик, ташкилот раҳбарларига аниқ вазифалар белгиланди. Дам олиш масканларини таъмирлаш, тиклаш ишларини, уларнинг зарур моддий-техника базасини яхшилаш ва керакли асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминлашни якунлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўриш тўғрисида топшириқ берилди. Болаларнинг ёзги мавсумда дам олишини ташкил қилиш ва кўнгилли ўтказиш бўйича вилоят ҳайъати таркиби тузилди.

1998 йилда вилоят касаба уюшмалари кенгаши тасарруфида Тошкент шаҳридан ташқарида 31 та оромгоҳ ишлайди ва уларда 20 мингдан ортиқ болажонлар дам олиб ўз соғлиқларини тиклашлари мумкин. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши маблағи ҳисобига мактабдаги оромгоҳларда 10300 бола дам олади. Болаларни соғломлаштириш ва дам олишлари учун 70 млн. сўм сарфланди. Шунингдек, вилоятимиздаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари кўп болали, кам таъминланган оилалар фарзандларининг оромгоҳларда дам олишлари учун алоҳида маблағлар ажратилмоқда. "Соғлом авлод учун" давлат дастурини бажариш мақсадида Оролбўйидаги экологик хавфли ҳудуддан, Хоразм вилоятидан 900 нафар бола вилоятимиздаги ҳушманзара, тоғ ён бағрида жойлашган "Ғунча", "Сумча", "Титов" оромгоҳларида дам олиш имкониятига эга бўлишади.

Ҳозирги кунда оромгоҳларда ишлаш учун педагоглар, тиббий ходимлар, ошпазлар ва бошқа соҳа мутасаддилари танланиб, улар учун ўқув-семинарлари ташкил қилинмоқда.

Вилоят савдо ташкилотлари оромгоҳларни турли озиқ-овқат, сут маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида тармоқларга бириктирилди.

Керакли дори-дармонлар заҳираси тўпланди.

Касаба уюшма қўмиталари корхона, ташкилот маъмурияти билан ҳамкорликда болалар оромгоҳларини ёзги мавсумга тайёрлаш бўйича, яъни қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш, эскирган турли асбоб-ускуналарни, жиҳозларни янгилаш, қўшимча тиббий асбоблар, ётоқхона жиҳозлари, идиш-товоқлар, маданий ва спорт анжомлари, идора ашёлари, тўғараклар учун материаллар сотиб олиш, керакли, тез бузилмайдиган озиқ-овқат ва дори-дармон заҳираларини жамлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиб, сарф-ҳаражат сметаларини тасдиқладилар.

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг "Кўк тоғлар" оромгоҳини таъмирлаш учун 700 минг ҳамда ишлаши учун 7 миллион сўм сарф қилиш режалаштирилди.

Каноп маҳсулотлари комбинати "Келажак" оромгоҳини таъмирлаш учун 6 миллион сўмлик, Ўртоовул МРОси "Наргиз" оромгоҳи учун 5.3 миллион сўмлик "Аммофос" ҲЖ "Чимён" оромгоҳи учун 18 миллион сўмлик сарф-харажат сметаларини тасдиқлаган.

Ҳозирги кунда ҳар бир оромгоҳда қурилиш, таъмирлаш ишлари якунланиб бормоқда.

Ётоқхоналар, юз-қўл ва оёқ ювадиган жойлар, ошхоналар, маҳсулот сақланадиган хоналар, музлатгичлар, маиший-хизмат, тиббиёт, тўғарак ва ўйин хоналари, спорт майдончалари, чўмилиш ҳовузлари таъмирлашдан чиқарилмоқда.

Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкция заводига қарашли "Тўзал" оромгоҳи болажонларни бағрига олиш мавсумига тайёр.

Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси

Фақат қизлар ўқисин

Яйра САЪДУЛЛАЕВА

ХИЁНАТ

Унга ҳеч ким хиёнат қилмади. Ҳеч ким унинг йўлини тўсиб, буд-шудини олмади. Ё уйига бостириб кирмади. Лекин...

...У ниҳоятда сулув эди. Оллоҳ унга мунис ҳусн ато этганди. Ширмойдек қип-қизил юзларида ўзгача бир назокат, ўзгача бир нафислик бор эди. Ҳамма қизлар қўйган ўсма унинг қуюқ қошларига ортиқчалик қиларди. Тим қора кўзларига кимдир атайлаб чўғ ташлаб қўйгандек. Жилвали сочлари майда қилиб ўрилганда елкасини тутиб кетар, ўтган-кетганларни маҳлиё қиларди. Эгнидаги хонатласнинг живир-живири қиз қалбидаги шўхлик ва эркинликнинг акс-садосига ўхшарди. Ҳа, қиз узоқ қишлоқдан Тошкентдек шаҳри азимга келганида ниҳоятда чиройли, йигитлар қалбига беомон ғулғула солувчи бир оташ эди (ҳеч бўлмаганда қиз ўзига шундай баҳо берарди), ғулғулага тушган айрим юраклар эса мурғак бу қушчага озор бергилари келмасди.

Оташ; келинг, қиз номини шундай деб атайлик, ниҳоятда озод ҳис қиларди ўзини. Ота-она кутуви, қадамини тергаб турғувчи ака-опалар қутқуси қишлоқда қолган эди. Уни етаклаб шаҳарга олиб келган, ўқишга киргач, кўнгли жойига тушган жигарбандлар юртларида ўз куйманчиклари билан банд эдилар. Энди Оташнинг кирган-чиққани билан гўё ҳеч кимнинг иши йўқ. Бирга ўқийдиган дугоналари, ётоқхонадагиларнинг кутишлари унинг учун ҳеч гап эмасди. У ўта эркин, ўта мустақил ҳис қиларди ўзини. Айниқса, "ҳар куни дарс тайёрлашнинг шарт эмаслиги", ётоқхонага "ўн бирдан кечга қолмаса бас"лиги унинг кўнглига аста-секин бошқа бир орзу-хаёл уруғини соча бошлади. Аввалари ҳам унда таъқибли ҳисобланган сўзлашув -- йигитлар билан муомала эркинлигига эҳтиёж бор эди. Шаҳар шу эҳтиёж учун тўла йўл очиб берадигандек эди. Йўқ, Оташ сира-сира ёмон отлиқ бўлишни истамасди. Йигитлар билан муомала қилса, бунинг нимаси ёмон? Тўғрида, нимаси ёмон? Оташ ўзи сезмаган ҳолда аста-секин ўз кайфияти, хаёлий ҳис-туйғулари билан ўралашиб қолаверди. Юрагининг аллақаерида ғимирлаб қўяётган муҳаббат орзуси ташналикка айланди. Кўзига кўзи тушиб қолган ҳар бир йигитдан ҳеч кимда йўқ жило топаверди. Бирининг қалдирғоч мўйлови ёқди. Бошқасининг шакарлаб кулиши ёқса, ҳатто бирининг папирос тутунини халқа-халқа қилиб чиқариш маҳорати ёқди... дастлаб йигитлар қўли фавқулодда тегиб кетганида сесканган бўлса, энди бу қўлларни орзу қила бошлади. Айниқса, шомаро чироқлар ёқилганда қиз паҳлавон қўллар занжирида бир зумгина банди бўлишни истар, бир зумгина ишқ нашъасида бўлишни кўз олдига келтирар ва келтираверарди.

Кўп ўтмай ўзгалар учун сирга айланган маҳбубалик унда шундай поёнсиз илдиз отдики, уни йигиб олиш мушкул бўлиб қолди. Ўзидаги гўзалликка, лайлолигига ишонч унинг қадамларини белгилади. Курсдош йигитлар унга фақат курсдошлик меҳри билан қарашарди. Аммо Оташ шу йигитларнинг нечаси деб неча-неча тунларни уйқусиз ўтказарди. Қиз қалби садосининг эса... акс-садоси йўқ эди. Оташ бундан ниҳоятда ҳайрон бўлар, йигитларнинг айтган оддий сўзлари, ҳатто салом-аликларидан илиқлик ва керакли нуқтани ахтарарди. Ахтарарди, ахтарарди...

Оташ бир айланиб келгани кўчага чиқди. Хаёлида бахт деб аталмиш ўша зебо йигит -- гавдали, сочлари тўлқинли йигит уни ҳув анави гулзор ортида кутаётгандек эди. Йигит гўё унга қараб, меҳр ила чанқаб, бир-бир босиб келарди. Оташнинг қўлида эса ҳарир рўмоли. Енгил шаббодада учиб бораётган рўмолими ёки Оташнинг ўзими? Буни шу тобда билолмасди. Йўқ, бирбирон марта ҳам меҳмон бўла олмаган йигит тўсатдан учраган қалб мойиллигидан шошиб қолди. Мактабда, айниқса, ўнинчи синфда "ҳеч қайси қизга у керак бўлмади". Шундай келишган Отабекка ўхшаш йигитлар турганда, қулоқлари супрадай, "ош-нон тегмаган" (синфдошлар баҳоси) йигитнинг кимга кераги бор эди. Унга қараганда кўзини ердан ололмайдиган, юрагига ташвишли ором бера оладиган қизлар ҳам бор экан-ку дунёда. Энди йигитликнинг энг нашъали ва фароғатли кунларини бошласа бўлаверади. У сира-сира ёмон, бебурд йигит бўлмоқчи эмас. Фақат Оташни тез-тез кўриб турса, нафасидан баҳраманд бўлса бўлгани. У қизга ошиқарди.

Улар бирга боришарди. Ўзлари учун ўзлари муҳаббат яратиб, ўйлаб топган севгиларининг сеҳри-ла парвоз этиб...

Улар ҳар гал бир-бирларига кутилмаган бир жазава билан интилишарди. Кечиксалар, бетоқатлик билан хавотирланишарди. Кўришишгач, хотиржам сайр этишар, у-буни гапиришар, баъзи одамлардан панароқ жой ахтариб қолишарди. Биринчи бўса иккалаларини ҳам довдиратиб қўйганди. Унинг тоти ҳар оқшом учрашувга чорларди.

Бу оқшом кутилмаганда ҳаво айниди. Осмонни ҳаш-паш дегунча қоп-қора булут қоплаб, бўрон аралаш сел қуйди. Улар панароқ ерга бориб олгунларича ивиб кетишди. Кўнгилларига бироз ғашлик қўнди. Бу ивиб кетганларидан эмасди. Лекин нима учунлигини ўзлари ҳам билишмасди. Йигит Оташни бағрига олди. Бу -- ғашликни сал тарқатгандек бўлди. Шу тобда йигитнинг миясига бир фикр келди. Бир хонали квартирада туришади. Ҳамхонаси бугун ўртоғининг туғилган кунига кетган, "хавотирланма" деган. Ёмғирда юргандан кўра, уйга бора қолишмайдими? Бир пиёла иссиқ чой ичишади. Бирпас ўтиришади. Кейин яна ўзи кузатиб қўяди.

-- Бизникига бормаймизми?- Атрофда ҳеч ким бўлмаса-да, қиз қулоғига пичирлади йигит.

-- Йўғе,-кутилмаган таклифдан чўчиб кетди қиз.

-- Тортинманг, бир пиёла иссиқ чой ичасизу...

Иссиқ оғуш қизни эритиб қўйгандек эди. Улар машинага тушиб, бир пасда тўққиз қаватли уйга етиб келишди. Ичкарига киришганда хона қиз кўзларига ҳувиллаб ётганга ўхшади. Лекин сираям ҳайиқмади, қўнглига сира ҳунук нарса келмади. Аксинча, бироздан сўнг хонага бирдан нур ёғилиб кетгандек бўлди. Йигит узатган бир пиёла чой, улар учун бир умр муҳр бўлиб қолишини билмас эдилар.

Улар бошлари айланган бу тунда ўз-ўзларига хиёнат қилган эдилар, шаъну-шавкатларига, ўз вужудларига хиёнат қилган эдилар. Улар тўйда куйланажак карнай-сурнай навосига, кексалар удуми-ю, ёшлар ақидасига хиёнат қилдилар. Улар ўз келажакларига, фарзандлари олдида ёруғ юз билан юришдек мағрур дамларига, келинчакнинг оқ ҳарир куйлаги-ю, куёвлик либосига хиёнат қилдилар. Ҳали улар бу хиёнатнинг мағзини чақишга улгурмаган, тун оғушида ўзларича бахтиёр, ўзларича "ором"да эдилар...

Аста-секин тонг отаётир, кимгадир оппоқ, кимгадир кўз ёшли, ҳасратли тонг...

* * *

***МУАЛЛИФДАН:** Азиз қизларжон, мени маъзур тутасиз. Бу воқеани очиқ ёзиб сизни сира-сира хижолатга қўймоқчи эмасдим. Қанийди ҳиссиётларга берилган бу икки ёш бахтларини топишган, бирга қадам ташлашган бўлса! Лекин қизлар, сизлар ундайлардан эмассиз. Сиз оқила ва покиза, йўли равшан, ўқиш ва ишга меҳр қўйган доно қизларсиз. Ниятим сизни ҳушёрлик ва фикри тиниқликка чорламоқ. Тўйларингизда бахт тилаб, бирга шодланай.*

КЕЛИН КЕЛДИ

Уйингизга келин келди. Ўзга бир хонадоннинг суюкли дилбанди сизнинг оилангизга ҳақиқий аъзо бўлди. Ҳеч эътибор берганмисиз? Келин келишини кутаётган тўйхона унинг ташрифи билан нурга тўлади. Куёвнинг қадрдонлари томонидан кўрсатиладиган озгина эътибор ҳам кўнглидаги ҳадик ва қўрқувни йўқотиб, меҳр-мурувват куртакларини ўстиради.

Маҳаллаларда келин бор уйни ажратиш қийин эмас. Кўча ва ҳовлиларга сув сепилган, ҳаммаёқ ораста, саранжом-сариштa.

Янги келинчакни нақадар зебо, малоҳатли деймиз. Лекин унинг қалбидаги орзу умидлари ундан ҳам гўзал сўзларни қориштириб гапириб ўзларини замонавий қилиб кўрсатишга уринадилар. Бундай қизлар ўзга хонадонга келин бўлишса, билмадим, ўз вазифаларини қай аҳволда бажаришар экан. Балки, ҳар қадамда қонун-қоида талашиб, бир йилга қолмай ажралиб кетаётган оилалар, тирик етим бўлаётган болалар ана шундай калтабинлик оқибатидир.

Ҳамма айбни даврга тўнкамай фарзандлар тарбиясига эътибор берсак, улар, албатта, бахтли оила соҳиблари бўладилар.

Ўзбек оилаларида келинга бўлган муносабат сизни қониқтирадими, деган саволга кўпгина келинчаклар "йўқ" деб жавоб беришди. Уларнинг номини айтмай, шартли равишда биринчи ва иккинчи келинчак деб атадик.

Биринчи келиннинг сўзларидан:

-- Мен олий ўқув юртининг биринчи курс талабаси эканлигимда ота-онамнинг розилиги билан, "ёр-ёр" садолари остида келин бўлдим. Ўқишга узоқ тайёргарликлардан сўнг, яъни икки йил деганда кирган эдим. Келин бўлганимдан сўнг, ўқишга кетишим уйдагиларга ёқмай қолди. Дастлабки тортишувлар шундан бошланди. Мен "ўқийман" деб туриб олдим. Тушунишни исташмади, орага совуқчилик тушди. Мана 20 ёшимда уйга қайтиб келиб ўтирибман.

Иккинчи келиннинг сўзлари:

-- Мен катта даргоҳни орзу қилган эдим. Ўзим истагандек 4 ўғил, 4 қиз бор оилага келин бўлдим. Мен уй ишларини бир зумда қайнсингилларим ёрдамида бажариб, дугоналардек сирлашиб, гаплашиб ўтирамиз, деб ўйлагандим. Афсус, қайнонам "Сингилларингиз ўқишдан чарчаб келишган" деб барча уй юмушларини менинг зиммамга юкладилар. Мен ҳам ишдан ҳориб-чарчаб келиб, бир сўз демай катта хонадоннинг кир-чири, ош-овқати, супур-сидири, келди-кетдисини қилиб юрдим. Бундан ниҳоятда толиқдим, натижада ҳомилам ҳам ойига етмай тушди. Рангим синиққан кўйи юрадиган бўлдим. Турмуш ўртоғим ишдан келганларида эса "Ҳеч иш қилмайди, уйига кириб кетади" деб бўлмаган гапларни айтиб, туҳмат ҳам қилишар, оқибатда улардан калтак ҳам ейдиган бўлдим. Бир куни қайнонам турмуш ўртоғимга:

--Хотининг ўзи касалманд экан. Қўявер, туғмаса бошқасини олиб бераман,-деяётганларини эшитганимда хўрлигим келиб кетди. Орзуларинг сароб бўлса, бундан ёмони йўқ экан...

Икки келинчакнинг барча ҳасратларини сўзма-сўз келтирсам достон бўладигандек. Лекин, хулоса қилиб айтганда, келин келган оиланинг катталари иззатда бўлиб, кичиклари (қайнука, қайнсингиллар) одатдагидек ўз вазифаларини бажараверсалар, олам гулистон. Бунинг учун қайнона "қайнона" бўлиб эмас, ҳақиқий оналик қилса қандай соз. Бундан ташқари келин дилига озор берувчи ҳар хил кесатиқ сўзлар уни "сиз яхшилар"дан бездирмайдими?

Ҳамма нарсанинг давоси вақт дейдилар. Ҳой, яхшилар, келинчакка имкон беринг. У сизнинг хонадонингиз паст-баландини тушуниб, овқатни ҳам ширин қиладиган, бошқа юмушларни ҳам кўнгилдагидек бажарадиган бўлади. Бунинг учун унга яхши гапириб, ҳамма уй ишларини кечагина уйингизга келган, ниҳолдек қизнинг зиммасига юкламай, ўзингиз ҳам кўмакдош бўлсангиз, келинга " келгинди" деб эмас, ўз фарзандингиз каби қарасангиз хонадонингиз ободлигича қолади.

Яқинда бир дугонам турмушга чиқди. Унинг онаси қудалар билан келишиб, чарлар маросимини ўтказмай, унга кетадиган маблағга келин-куёв учун юмшоқ мебеллар тўпламини олиб берди. Бундай ҳавас қилса арзийдиган тўйларимиз сони кўпайса қандай яхши. Номдор тўй қиламан деб, бир оилани қарз ботқоғига ботиришнинг кимга кераги бор.

Келинлар ҳақидаги мавзуни бежиз ўртага ташламадик. Чунки келин оиланинг муқаддимаси, янги авлодлар давомчиси, қолаверса фарзанд тарбиясида етакчи роль ўйновчидир. Соғлом бўлса, ўйнаб-кулиб хизматларни адо этса, оиласидагиларни ширин муомала билан ишига кузатса, демак, оила аъзоларининг ҳам кайфияти аъло бўлади. Бундай оила ишида унум, барака, тинчлик-хотиржамлик бўлгуси муқаррар.

"Ҳар тўкисда бир айб" деганларидек хато ва нуқсонлардан холи инсоннинг ўзи йўқ. Сиз катталар бироз кечиримли бўлиб ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатсангиз, бировнинг дилбанди, сизнинг хонадонингизнинг гўзал бекаси -- келинингизга ғамхўр бўлсангиз, қариган чоғингизда мукофотини оласиз. Келин бор бўлган уй қуёш янглиғича қолсин, дилбар келинларимиз чеҳрасидан таралаётган ёғду миллатимиз фахри бўлган жажжи болажонлар қалбига кўчсин. Юртимизда ҳавас қилса арзигудек оилалар сони кўпаяверсин!

Муниса АҲМАДЖОНОВА,
Тошкент Темирйўлчилар лицейи қошидаги ҳисоб-китоб курси талабаси

"ОИЛА—МУҚАДДАС ДАРГОҲ"

"Камолот" жамғармаси ҳамда "Туркистон" газетаси таҳририяти 1998 йил -- Оила йилига бағишлаб "Оила -- муқаддас даргоҳ" мавзуида мақолалар танлови ўтказишини маълум қилган эди.

Шундан буён хат жилд юзига бу танлов номига ёзилган кўплаб мактублар олиб турибмиз. Бугун сиз юртдошларимизнинг танлов учун махсус ёзган мақолаларининг айримларини ўқийсиз.

Демак, шошилинг, танлов шу йилнинг 8 декабрь -- Республика Конституцияси куни арафасида якунланади.

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

АЛАМНИНГ ҚУРБОНИ

Яхши қиз маҳалладан четга чиқмайди, дейди халқимиз. Шунинг учун Акбар аканинг оиласидагилар маҳалладош Наби аканинг қизига совчи бўлиб келишганида, қўшнилар "Хўп яхши иш бўпти-да!" деб қўйишди. Иккала бўлғуси қудалар бир-бирларини яхши синаганликлари учун тез кунда тўйни бошлаб юборишди.

Акбар ака оиласи меҳнаткаш, зиёлилар оиласидан бўлгани учун савдо ходиминнинг қизи бўлган Нигоранинг бу уйда аввалига қўним топиб кетиши сал оғир бўлди. Негаки, Наби ака ҳаётга келибдики, умрини савдо ишига бағишлаган. Ўзига тўқ бўлишига қарамай, ҳали ҳеч ким керилиб, манмансираб юрганини билмайди. У маҳаллада оғир, сипо киши сифатида ҳурматга сазовор бўлиб келмоқда. Болаларини ҳам ана шундай камтарин, камсуқун қилиб ўстириб, тарбиялади.

Одатда қандай қиз бўлмасин, янги оилага келин бўлиб тушганида турли синовларга дуч келади. Худди шундай синов Нигоранинг ҳам зиммасига тушди. Аввалига оиланинг аччиқ-чучукларига чидашга ҳаракат қилди. Бироқ, турмуш у кутганидек текис кечмас эди. Шунинг учун бўлса керакки, ота-онаси унинг ками-кўстидан хабар олиб туришди. Шунга қарамай, Нигора учун нимадир етишмас эди.

Ана шу етишмовчилик оиладаги тотувлик, иттифоқликка раҳна сола бошлади. Айниқса, унинг энг яқин "тутунган дугоналари" бунда "жонкуярлик" қилишди. Жумладан, у Барно деган дугонасини кўрса юраги ўртаниб кетадиган бўлди. Унинг тилла тақинчоқларини қўяверинг-ку, ўз "Нексия"сида келиб, ҳар сафар Нигорани сигнал чалиб чақириши "Нега мен Барнога ўхшай олмайман?!" деган турли бўлмагур фикрларга олиб келарди. Бунинг устига Барно ойлик маоши билан оиласини зўрга тортаётган Нигоранинг эрига нисбатан ҳам маломат тошларини отиб қўярди:

-- Нигор..., -- деди у. -- Намунча эринг лапашанг бўлмаса?! Бундоқ мени Султончигимга ўхшаб, мол олиб, мол сотса бўлмайдими?

Эри келгач, Барнонинг сўзларини ўзиники қилиб, унга тўкиб солди:

-- Мен сиздан ҳеч нарса кўрмаётибман. Бундоқ эркакларга ўхшаб тақинчоқлар олиб бермасангиз. Кийимларим бўлса, тўйда қилинганлари. Ҳозиргача мен билан баробар турмушга чиққанлар тўрттадан янги кўйлак кийиб бўлишди. Ҳаммасининг егани олдида. Мен-чи?

-- Ойлик маошим маълум-ку, -- дейди эри тушунтиришга ҳаракат қилиб, -- ажабмас, ўша Сиз айтаётган тақинчоқлар-у кийимлар ҳам бўлиб қолар. Сабр қилинг.

-- Қачон бўлади?! Бундоқ эркакларга ўхшаб бозорга чиқинг. Беш-ўн сўм топардингиз.

-- Афсуски, бозорга чиқишни эплай олмайман.

Ана шундай машмашалардан кейин асаблар таранглашади. Нигора аламини аввалига уйига кетиб қолишдан олиб юрди. Ота-онаси қизини кўргани келган бўлса керак, деб илиқ кутиб олишарди. Нигора эса эрим "сафарга кетганлар" баҳонаси билан уларни алдарди.

Мана шу тақлидда ойлар, йиллар ўтиб, Нигора икки фарзандли бўлди. Унда эрга нисбатан ҳурматсизлик кучайди. Оқибатда ажралиш муаммоси пайдо бўлди.

-- Ахир фарзандларимиз бор, тирик етим қилмайлик, -- деди эри ажралишни рад қилиб.

-- Сиз ажрашмасангиз, мен ажрашаман, -- дея ўшқирди Нигора, -- ҳали мен сизларни шундай ўйнатаман-ки, томоша қиласизлар.

Ҳа, дарҳақиқат томошани кўрсатди. Биласиз, невара фарзанддан ширин, дейишади. Иккала неварасига ўрганиб қолган Акбар ака ҳам, Наби ака ҳам қандай бўлмасин ёшлар оиласини сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

-- Балки, ёшларнинг алоҳида турганлари маъқулмикан, -- дея ўйлаб қолишди қудалар. Алоҳида уй сотиб олиб беришди ҳам.

Нигора отдан тушса ҳам, эгардан тушмади. Эрининг жиғига тегиш учун у ишдан келди дегунча бир нарсани баҳона қилиб , болаларини уришни одат қилиб олди.

-- Болада нима айб, нима қиласиз уларни қойиб, -- дерди эри ялингансимон жанжалнинг чўғ олиб кетмаслигига ҳаракат қилиб.

-- Урсам менинг болам. Хоҳласам бошини силайман, хоҳласам..., -- дея сўз бермай бақирарди у.

Шу тариқа бу оиланинг омонатгина турган ипи дарз кетди.

Ажрашув суди бўлиб ўтди. Судга маҳалла аҳли, қариндош-уруғлар тўпланишди. Судда Наби аканинг сўзи таъсирли бўлди:

-- Мен қизимни меҳрли, оқибатли қилиб ўстирдим, деб фахрланиб юрардим. Қуш уясида кўрганини қилади, деб ишонардим. Бироқ, янглишган эканман. Қизимдаги бундай бемеҳрлик, тошбағирлик қаердан пайдо бўлди экан-а?! Куёвимдан розиман.

Нигоранинг эри эса оиласини сақлаб қолиш истагини билдирди. Бироқ, Нигоранинг ўзи оналик ҳуқуқини пеш қилиб, ҳар хил мақомга тушиб, уйни ва болаларининг тақдирини ўз фойдасига ҳал бўлишига эришди. Барча йиғилганлар Нигоранинг тиззасида қўлларини чўзганча "адажон", деб интилиб турган иккала фарзандига ачиниш билан тикилиб қолдилар. Нигора эса ичида: "Бопладимми, аламимни олдимми, кимлигимни кўрсатдимми?!" дегандек терс қараб ўтирарди.

Абдураҳим МАХСУМОВ

Қулоллар оиласи

"Туркистон" қалдирғочлари

МУРҒАК ДИЛЛАР САДОСИ

"Дунёни гўзаллик қутқаради", -- деган эди буюк бир адиб. У гўзаллик деганда нимани назарда тутганини билмадиму, аммо гўзалликка ташна кўнгиллар иншосини, уларнинг ёшлик сурури, қайноқ қалби акс этиб турган шеърларини ўқиганда нафосатнинг қудратига иймон келтиргимиз келди.

Республика Нафис санъат лицейи ана шундай иқтидорли ёшларни, бири иккинчисини такрорламайдиган турфа гулларни ўз бағрида ўстираётган гулзорга ўхшайди. Янгиликка ўч, ижодга ташна лицей ёшлари "Туркистон"нинг доимий мухлислари ва муҳибларидир. Улар ҳар сафар ўзларининг илк машқларини таҳририятимизга олиб келишади. Газета қошида ташкил этилган ижодий мактабларда ўқиб беришади, тенгқурлари, устозлари назаридан ўтказишади.

Бугун ҳукмингизга ҳавола этилаётган машқлар ҳам ўқувчилар қаламига мансуб.

МЕНИНГ ҚАЛБИМ

Қисқа ижодий чиқиш

Аброр Ҳайрат (Отақўзиев) 1982 йилда Фарғона вилояти Бувайда туманида туғилган. 1997 йилда "Менинг қалбим" номли илк тўплами чоп этилган. Аброр Фарғона вилояти ижодкор ёшлар уюшмасининг аъзоси.

-- Аброр, сиз шеърият остонасида турган ёш ижодкорсиз. Сизнингча, шеър нима ўзи?

-- Шеър бу инсоннинг ботиний ва зоҳирий дунёга бўлган назмий хулосасининг оқ қоғоздаги ифодасидир.

-- Сизнинг "Менинг қалбим" шеърий тўпламингизни ўқиб чиқаркан, ўқувчи маълум бир мураккабликларга рўбаў бўлади. Шеърларингизда қандайдир бир мураккаблик, инсоннинг тушуниши қийин бўлган туйғулар ифодалангандек, назаримда. Сизнингча, санъат санъат учун хизмат қилмоғи керакми ёхуд халқ учунми?

-- Дунё ўзи мураккабликдан иборат. Уни Яратгандан бошқа ҳеч ким соддалаштиролмайди. Бас, шундай экан, дунёнинг ифодачиси бўлган ўн саккиз минг оламнинг суврати -- шеъриятга соддалик киритишга менинг ҳаддим сиғмас. Қолаверса, мен мураккабликка интилиб яшасам-да, шеърларимда мураккаблик унчалик эмас деб ўйлайман.

-- Тақлид қилабергин, етса бардошинг,
Мадомики сенда бор экан ҳавас.
Лекин бир қора кун кўтариб бошинг
Асл нусхаман деб дод солмасанг бас, -- деган эди Абдулла Орипов. Сизнинг эргашишга ёки умуман тақлидчиликка муносабатингиз қандай?

-- Мутлақо қарши қарайман, аммо шеъриятга кирган қалб кимнингдир орқасидан эргашиши, кимгадир тақлид қилиши муқаррар. Ниҳол ҳам озиқни ердан олади-ку?

-- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Жўрабек РЎЗМЕТОВ суҳбатлашди

ХАЛҚОНА ОҲАНГДА

Қув чолларнинг базмидан
Бўшамаган пиёлами.
Дарахтларнинг ҳар баргини
Силамаган шаббоддами
Юракларнинг туб-тубида
Қолиб кетган у нолами.
Ёрин олиб қочолмаган
Йигит қолур пиёдами?

Саболарга шеърлар битиб,
Уни шамол этмаган.
Ёр васлини васф айлабон
Барчани лол этмаган.
Ул санамни ўз қалбида,
Нурли ҳилол этмаган,
Шоирми бу дунёда-ей,
Ошиқмидир дунёдами?!..

Аброр ҲАЙРАТ

СОҒИНЧ

Чиқиш ғоясидаги ижодий

Анвар Самадов Сурхондарё вилояти Шеробод туманида 1984 йили муаллимлар хонадонида таваллуд топган. Анварбекнинг "Соғинч" номли тўплами яқинда босмадан чиқди.

-- Анварбек, менинг қўлимда сизнинг "Соғинч" шеърий тўпламингиз турибди. Ҳар қандай ижодкор ўзининг илк китоби дунё юзини кўрганида ажиб туйғулар ичра қолади. Сизни ҳам бундай туйғулар жараёни четлаб ўтмаган бўлса керак.

-- Ҳа, албатта! Ҳар бир инсон ўз меҳнатлари, уйқусиз тунларининг самарасини кўрганида беқиёс туйғулар қуршовида қолади. Уз қувончларининг нашъасини сурмоққа бу кенг замин торлик қилаётгандек бўлади. Бу лаҳзадаги кечинмаларни тасвирлаб беришга сўз топиш қийин.

-- Илк тўпламингиз "Соғинч" деб номланган. 14 ёшли ўспиринда қандай соғинчлар бўлиши мумкин?

-- Ўринли савол бердингиз. Мен 1996 йилда Тошкентдаги Нафис санъат лицейига ўқишга кирдим. Уз уйимдан йироқда, Ватан ичида кичик бир юрт бўлган Шерободни, ота-онамни, дўсту биродарларимни, сочига сочпопук тақиб олган сингилчамни, кўча чангитиб юрган беғубор лаҳзаларимни соғиниш дарди бошланди. Ариқларнинг майин шилдирашларига, тонгда хўрозларнинг қичқириғига ўрганган кўнгил пойтахтнинг серқатнов кўчаларида эсанкираб қолган пайтларим бўлди. Балки мана шу лаҳзалар фарзанди -- соғинчлар менинг илк тўпламимни "Соғинч" деб номлашга замин туғдиргандир.

-- Сизнинг ижод йўлингиздаги устозларингиз кимлар?

-- Аввало, ота-онам, ўқитувчим ва шеърият. Яна ўзимдан ёши улуғ шоирларни ўзимга устоз санайман. Уларнинг ҳар биридан "ниманидир" олишга интиламан.

Дейдиларки, дарёлар денгизларга туташармиш. Биз ҳам Анварбекка шеъриятнинг заҳматли сўқмоқларида ижодий парвозлар тилаб қоламиз. Орзуларингиз ўзингизга ёр бўлсин, АНВАРБЕК!..

Аслиддин СУЮН суҳбатлашди

ОНА ЮРТ

Мусофир бўлмишман катта шаҳарда
Дилимнинг дардини юракдан сездим.
Кўнгиллари нозик, қалби пок ростдан,
Меҳрсиз, қуруқ сўз дўстлардан бездим.
Сурхонни соғиниб келмайди хобим,
О, фалак, мен соғинч куйидан бездим.
Соғинч дилни тиғлар йўқолар тобим,
Севинч ҳаловатдан ташвишли фузун.

Ўз она юртимдан эшитсам мужда,
Олам қадар кўнгил бўлади равшан.
Аммо соғинч қилгай дилпора жуда,
Вужудим тахтида руҳимдир посбон.
Ҳуллас, маслаҳатим сизга, ёронлар,
Метин ироданинг қўлидан ушланг.
Ўқиш, мақсад учун қийналсин жонлар,
Юракдан соғинчни суғуриб ташланг...

Анвар САМАД

"АЖИНА" УЛОҚЧА

(Воқеий ҳикоя)

Айни баҳор фасли. Майсалар кўкариб, дарахтларни анвойи гуллар чулғаган онлар. Биз ҳар куни мактабдан келгач, эшакларга хуржунни юклаб, дала томон ошиқамиз. Бугун ҳам дўстим Ҳамдам билан ўт ўргани қишлоғимиз чеккасига отландик. Биз ҳар куни ўтадиган йўл чеккасида бир жийда дарахти бор бўлиб, катталардан унинг тагида "ажина" борлиги ҳақида бир неча бор эшитгандик. Ажина гоҳ одам, гоҳ эчки бўлиб кўзга кўринар эмиш.

Ўша куни анча кеч қайтдик. Ён атрофда сокинлик ҳукмрон. Фақат зовурлардаги қамишлар орасида қурбақаларнинг қуриллаши-ю, узоқлардан тулкиларнинг увиллаши эшитиларди. Юрагимиз қил устида тургандек титрай бошлади. Эшаклар эса шаҳдам қадамлар билан тез-тез юриб боришарди. "Ажина" лақабини олган жийда дарахтининг ёнига яқинлашганимиз сари бизни жуда қаттиқ қўрқув босди, калималар келтира бошладик. Бир пайт жийда дарахти томонидан "Ба-а-а-а" деган товуш эшитилди ва улоқча шаклидаги "ажина" биз томонга югуриб кела бошлади. Мен дарров эшакдан тушдиму, орқамга қарамай қочдим. Ҳамдам бўлса... Ё алҳазар, қўрқаписа "ажина" томон юрди. Секин-аста бордида, ажинани даст кўтариб олди. Мен Ҳамдамни ажина чалди, деб ўйладим. Шу пайт Ҳамдам ёнига чақирди. Мен қаттиқ қўрқдим, ҳатто Ҳамдам ҳам кўзимга ажина бўлиб кўрина бошлади. Бироқ, мен Ҳамдамнинг тақдири билан қизиқиб, у томонга аста-секин қадам босдим. Ҳамдам мени эшакка миндириб, ўзи ҳам эшакка мингач, олдига "ажина"-ни олди. Кейин менга қараб, "қўрқоқ" дегандай кулиб қўйди. Энди қишлоқ ичига бурилган ҳам эдикки, қўшни қишлоқдаги чўпон билан учрашиб қолдик. У биздан: "Бир оқ улоқчани кўрмадингларми?", -- деб сўради. Мен чўпонга улоқчани эмас, "ажина"-ни кўрганимизни ҳовликиб айтиб бердим. Ҳамдам чўпонга "ажина"ни кўрсатди. Чўпон эса "худди шу" деганча Ҳамдамнинг қўлидаги "ажина"ни олиб, бизга миннатдорчилик билдирди.

Ҳозир биз жийда тагидаги "ажина" билан қандай қилиб танишганимиз ҳақидаги воқеа хусусида дўстларимизга айтиб, уларни кулдириб юрамиз.

Жамшид ҒУЛОМ

ДУНЁ КУЛАДИ

Руфатжон дадасига:
-- Дада, сиз кийикдан қўрқасизми?
-- Йўқ, ўғлим. Нима эди?
-- Унда нега кийик овига нуқул милтиқ билан кучукни олиб борасиз?

* * *

-- Ойи-ойи, -- деди беш ёшлардаги Ҳакимжон. -- Биласизми, мен бугун тушимда лағмон еганмишман.

-- Болам, лағмон есанг яхши эмасми?

-- Тўғрику-я, лекин ҳалидан бери ботинкамнинг ипини тополмаяпман.

* * *

--Ойижон, сут идишга сичқон тушиб қолибди.

--Вой, ўлай, олиб ташладингми?

--Йўе, ойижон, сичқонни тутиб есин деб, мушукни ҳам солиб қўйдим.

* * *

Ўқитувчи ўқувчидан: -- Умид нима қилаяпсан?
Ўқувчи: -- Ҳеч нарса.
Ўқитувчи: -- Сен-чи Мақсуд?
Ўқувчи: -- Умидга ёрдам бераяпман.

Тўпловчилар: ЖАМШИД ва АБРОР

БУРЧ

Мустақиллик насими эсиб турган ўлкамизда бу йил оила йили ҳукмрон. Албатта, оиланинг таянчи, пойдевори ота-оналаримиздир. Пойдевор мустаҳкам бўлсагина оила мустаҳкам бўлади. Ҳар бир фарзанд ота-онаси бағрида бўлишни, уларнинг соғ-саломат, доимо шоду хуррам юришини хоҳлайди. Лекин баъзан ўзинг учун азиз бўлган қиблагоҳинг ёки волидангни ҳақ-ноҳақ хафа қилиб қўйганингни билмай қоласан.

Айниқса бундай ҳолатлар қувноқ болаликни ортда қолдириб, ўсмирлик поғонасига кўтарилганингда кўпроқ учраб туради. Шунда ҳар томонга дарахтдек қулоч ёзган фикрларингни тўплаб оласанда, ўз-ўзингга эрта баҳорда шаррос қуйган ёмғир каби саволлар селини ёғдира бошлайсан: "Нима учун ота-онамни хафа қилиб қўйдим? Мени шунчалик тарбиялаб вояга етказгани учун раҳматимми бу?" Бутун вужудингни пушаймонлик ҳисси қамраб олади. Ҳаёл сени тубсиз жарликлар томон етаклайди. Шунда ҳам отангга ёки онангга "Кечиринг" деб айтмайсан, айта олмайсан. У беозор зотлар-чи? Сенинг қаттиқ гапириб, сўзини икки қилганларингни кўнгилларига олдими? Сендан хафа бўлдими? Албатта, йўқ... Бундай олижанобликка, ҳимматлиликка жавоб топа оласанми? Уларга қараб "Дунёда сизлардан буюкроқ инсонларни кўрмадим. Буюринг! Ҳар қандай оғир юмушингиз бўлса ҳам бажараман, отажон, онажон!" -- деб ҳайқиргинг келади. Бироқ, улар учун фарзандлари яхшими? ёмонми? Омон бўлса бас.

Дунёда ота-оналаримиз қалбидан мустаҳкам ўрин олган муқаддас туйғулардан бири -- меҳрдир. Меҳр ота-оналаримиз қалбидан шунчалик чуқур ўрин олганки, сўзлашга тил, таърифлашга қалам ожизлик қилади. Чингиз Айтматовнинг "Асрга тенгдош кун" романидаги Найман онани манқурт ўғли томон, аниқроғи ажал томон етаклаган меҳр эмасмиди? Ота-оналаримиз бизга шунчалик меҳрибон экан, биз ҳам уларга меҳрли бўлмоғимиз даркор. Аммо ҳаётда бемеҳр фарзандлар учрамайди дейсизми? Ахир гуруч қурмаксиз бўлмайди-ку? Шунинг учун бу фоний дунёда ота-оналаримиз ҳурматини жойига қўяйлик.

Халқимизда "Ота рози -- худо рози", деган гап бор. Ҳадиси муборакда эса бу хусусда шундай дейилган: "Аллоҳ таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир". Донолар отанинг ҳурмати ҳақида "Ота ўтирган уйнинг томига чиқма" деб бежиз айтмайдилар. Албатта, комил фарзандлар учун ота-онанинг қадри бир хил. Яна бир ҳадисда таъкидланишича, жаннат оналарнинг оёқлари остида экан. Шундай экан, биз нечун оналар ҳоки-пойини ўпиб яшамаймиз.

Беихтиёр отамнинг юзларига тушган ажинларига, онамнинг сочлари орасида пайдо бўлган оқ толаларига кўзим тушар экан, қиблагоҳим-отажоним, меҳрибоним-онажоним, наҳотки сизлар ҳам югурик умрни ортда қолдириб, кексалик сари йўл олаяпсизлар. Наҳотки сизларга йиллар ўз таъсирини ўтказмоқда. Юзларингиздаги ажинлар, сочларингиздаги оқ толалар, балки мени деб бедор ўтказган тунларингиз, тиним билмаган кунларингиз туфайлидир, деб ҳайқиргим келади.

Наргиза ТОШҚУЛОВА

ТОШКЕНТДА «ЧЕЛЛЕНЖЕР» ТУРНИРИ БОШЛАНДИ

Тошкентдаги «Динамо» теннис кортларида хотин-қизлар ўртасида учинчи «Челленжер» халқаро турнири бошланди. Бу мусобақада 29 мамлакатдан 32 нафар энг яхши теннисчи иштирок этмоқда.

-Юртимизда теннис бўйича учинчи халқаро хотин-қизлар мусобақасининг иштирокчиларини кутиб олаётганимиздан хурсандмиз, - деди мусобақани очиш маросимида Тошкент шаҳри ҳокимининг биринчи ўринбосари Адҳам Миржалилов. - Эндиликда теннис оламида Ўзбекистон «Президент кубоги» каби нуфузли мусобақа билан машҳур бўлган мамлакатимиз хотин-қизлар орасида теннисни ривожлантиришга ҳисса қўшаётганидан мамнунмиз. Тошкент турнири қизиқарли кураш ва ёрқин ғалабалар билан эсда қолади, деб умид қиламиз.

Ташкилот қўмитаси турнирнинг барча иштирокчиларига эсдалик совғаларини топширди. «Ўзбекнаво» ижодий жамоаси уларни Ўзбекистон мусиқа ва рақс санъати билан таништирди.

- Илгари Тошкентда ўтган дастлабки «Челленжер» турнирларида иштирок эта олмаганман, - дейди Халқаро теннис федерациясининг вакили Мишель Боури хоним. - Бу мусобақа ҳақида касбдошларимдан эшитган эдим. Юксак даражада ташкил этилган бу йилги мусобақада иштирок этаётганимдан хурсандман - «Динамо»нинг ажойиб теннис кортлари халқаро талабларга жавоб беради ва мусобақа унутилмас воқеа бўлиб қолади. Тошкент турнири узоқ вақт эсда сақланади. Чунки, унинг ғолиблари Голландияда ўтадиган халқаро мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини олади.

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТ

Тошкентдаги Олимпия шон-шуҳрати музейида халқаро мусобақаларда яхши натижага эришган шахматчи ва чавандозларга мукофотлар топширилди.

Эронда ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпионатида 12 ёшга тўлмаган спортчилар гуруҳида қатнашган Антон Филиппов олтин медални қўлга киритди. Ака-ука Жўрабек ва Иброҳим Ҳамроқуловлар кумуш медални олишга муваффақ бўлди.

От спорти бўйича Қозоғистонда ниҳоясига етган Жаҳон кубоги мусобақаларида Ғайрат Назаров ғолиб бўлди. Алихон Азизов ҳурмат шоҳсупасининг иккинчи босқичига кўтарилди. Сергей Шмелёв билан Анвар Акбаров турнирдан бронза медали билан қайтишди.

Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Махситов бу спортчиларни ютуқ билан табриклаб, уларнинг мусобақаларда эришган натижалари Бангкокда бўладиган Осиё ўйинларида шахматчи ва от спорти иштирокчилари Ўзбекистон командасига катта муваффақиятлар келтиради, деб умид қилишга асос бўлишини таъкидлади.

ЎзА

Миллионлар ўйини

"ОСОН ЭМАС, БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ"



ИШҚИБОЗ...

Куни кеча олий лига жамоалари VII миллий чемпионатнинг навбатдаги тур учрашувларини ўтказдилар. Мазкур турнирнинг марказий учрашуви шубҳасиз, Тошкентда "Пахтакор" ва "Насаф" жамоаларининг ўртасида бўлди.

Одатдагидек, бу сафарги ўйин ҳам Ўзбекистон телерадиокомпанияси ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли ойнаи жаҳон орқали миллионлаб мухлисларнинг эътиборига тўғридан-тўғри ҳавола этилди. Дарҳақиқат "Пахтакор"чилар ҳам, уларнинг бразилиялик мураббийси С.Десильва ҳам қаршиликларга қаршилик қилиш хамирдан қил суғуриш эмаслигини яхши биларди. Шу туфайли мезбонларнинг мазкур учрашувга ҳар томонлама тайёргарлик кўрганлари сезилиб турди.. Қаршилик Зафар Холмуродов 1-бўлимнинг қаҳрамони бўлди. Фақат омадгина рақиблар дарвозасининг дахлсизлигини сақлаб қолди.

Танаффусдан кейин ҳам, гарчи меҳмонлар 10 киши майдонда ҳаракат қилсалар-да, ўйин суръати ўзгармади. Икки томон ҳам фақатгина ғалаба учун ҳаракат қилишди. 60-дақиқага келиб, меҳмонлар жарима майдонига "ёриб" кираётган Дилмурод Назаровни "тўхтатиб" қолишди. Ҳамма кутган пенальти белгиланди. Жамоа сардори Миржалол Қосимов имкониятни қўлдан бой бермади, ҳисоб 1:0. Бундан мезбонлар қанчалик руҳланган бўлса, меҳмонларнинг ҳаракатларини ҳам тезлаштириб юборди. Бироқ анча-мунча шошиб қолган "Насаф" ҳимоячилари ўз жарима майдони яқинида қўполликка йўл қўйишди. Бу Миржалолнинг "нуқта"си. Маҳоратли Миржалол бу имкониятнинг "қадрига етди" -- 2:0.

Шундан сўнг қаршиликлар таркибида Анвар Бердиев ўрнига Сергей Андреев Мурод Отажонов узатган тўпни боши билан дарвозага йўллаб, ҳисобни қисқартирди. Энди меҳмонлар ҳисобни тенглаштириб, мағлубият ботқоғидан чиқишга роса ҳаракат қилдилар. Бироқ Апонянс -- Назаров комбинациясидан кейин тўп меҳмонлар дарвозасига бориб тушгач, учрашувнинг тақдири ҳал бўлди-қолди. Гарчи "Насаф" жамоаси мағлубиятга учраган бўлса-да, барча футбол ишқибозларида илиқ таассурот қолдиргани шубҳасиз. Шундай жамоаларнинг кўпайиши, албатта, ўзбек футболининг ривожланишига ҳисса қўшиши аниқ.

12-турнинг кутилмаган натижаси ҳам Тошкентда қайд этилди. Ўтган йили чемпионлик тожини кийган, бу мавсумда эса аудсайдерлар қаторининг муқим аъзосига айланган МХСК ўз майдонида пойтахт вилоятининг "Дўстлик" жамоасини қабул қилди. Маълумки, VII миллий чемпионатда ўз сафини бир қанча иқтидорли ёшлар билан тўлғизган меҳмонларни 4-5 турдан бери омади келмаётир: Ҳали мағлубият, ҳали дуранг. Бу сафар ютуқ нақд эди. Илло, шу куни "Дўстлик" сафида чет элга чақирилган Жаъфар Ирисметовнинг тўп суриши ҳам мезбонлар учун катта хавф туғдирди. Қолаверса, мезбонлар мураббийси ёш ва навқирон ҳарбийларга қарши жамоанинг "олтин" таркибини майдонга туширганди. Бироқ тўп думалоқ, майдон текис, деганларича бор экан. Шу куни миллий терма жамоанинг асосий аъзоси Абдуқаҳҳор Маъруфалиев ҳам, маҳоратли тўпурар Фарид Ҳабибулин ҳам салкам "хорижлик" Жаъфар Ирисметов ҳам ҳарбийларнинг сардори, дарвозабон Алишер Аҳмедов олдида "ип эшолмади". Ҳатто 67-дақиқада ҳимоячиларнинг жарима майдони ичидаги қўполликлари туфайли белгиланган 11 метрлик пенальтини ҳам қайтариб, Фариднинг бошини эгди, мухлисларнинг қийқириқлари майдонни тутди. Учрашувда ҳисоб очилмай қолди. Ўйингоҳда мухлислар билан бирга ўтириб томошабин бўлишга мажбур бўлган Олег Шацкихни учратиб, бир-икки "сўроққа" тутдик. Олегнинг айтишича, соғлиғи ҳали кўнгилдагидек эмас, иккинчи даврада майдонга тушиши ҳам гумон эмиш. Ўйладикки, агар шу куни "сеҳрли таёқча" тўп сурганида сал кам ўнта тўп уриши муқаррар эди.

Термиз шаҳрида бўлиб ўтган "Сурхон" -- "Сўғдиёна" учрашувининг аҳамияти ҳам анча диққатга сазовор эди. Чунки мезбонларнинг "унча-мунча"сига ён бермаслиги аниқ, "Сўғдиёна"га эса иккинчи ўринда қолиш учун фақатгина ғалаба қозониши керак. Аммо Сурхон вакиллари ўйиннинг бошидаёқ "мақсад"га ўтишди. 4-дақиқада Абдумажид, 7-дақиқада Вели Келдиев, 14-дақиқада Рустам Асқаров, 15-дақиқада Алишер Бозоров, 16-дақиқада яна Рустам Асқаров дарбозабон Сирикни "сийладилар". Меҳмонлардан эса Алексей Ждановнинг ҳаракатлари сурхон дарбозабони учун катта хавф туғдирди.

Учрашувдаги ягона тўпни 64-дақиқада Вели Келдиев дарбозага йўллаб, термизликларнинг ғалабасини таъминлади -- 1:0.

Наманганинг "Навбаҳор"и эса бу сафар Тошкентнинг "нотекис" жамоаси "Трактор"ни қабул қилиб, худди шу ҳисобда қийинчилик билан устун келди.

Энг кўп мухлис "Хоразм" -- "Бухоро" учрашувини кўриш учун йиғилди. Урганчлик 16 минг 500 томошабин ўзининг севимли жамоасини қўллаб-қувватлаши туфайли мезбонлар кучли рақибларини 2:1 ҳисобида мағлуб этишди.

Бекободда "Металлург" -- "Темирйўлчи" жамоалари 1:1 ҳисобида "келишишди". Косонсойликлар эса "Нефтчи"га 1:3 ҳисоби билан ён берди.

12-турда ўйингоҳларга 73 минг томошабин ташриф буюрди.

Дарвозабонлар 18 марта "орқага қулашга" мажбур бўлдилар.

24 ўйинчи "одоби" туфайли "сариқ" карточка олди (бу -- рекорд!).

3 нафари эса "қизил" билан "тақдирланди".

А.РАИМОВ, "Туркистон" мухбири

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Темир ҚУРБОН

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, китобият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. —087
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти —20.45
1 2 3 4 5 6